

— Ижрокўм биносида!

— Катта томоша!

— Тонг откунча танса!.. Мана Эски шахар ўзбек санъатининг чопкиллаб, югуруб кетиб бориши шу йўлдадир.

Сўнг кунларда хунук-хунук, кўпол-кўпол, саводсизларча ёзилгон шундай эълонлар орасида «Халима», «Або Муслим», «Гунохкорнинг оиласи» каби жиддий нарсалар ҳам кўрула бошлади. Бизнинг боякиш Давлат труппаси ёлгуз Эски шахар маориф шўъбаси томонидан берилиб тургон оз-моз ёрдамга таяниб, питиллаб, кимирлаб ётконга ўхшайдир. Устига кора бўёк берилса кора «бархут» тусини олиб, пачаклангон, сингон, йиртилгон сахнамизнинг «гунохларини» ёпиб туратургон калинкурми, копми, нимадир олингон; яқинда бечора томошачилар парда орасида зерикиб, ухлаб кетиш балосидан бир кадар кутулурлар, деган умид бор...

11 декабрда ўшал ўзимиз кўрган кишлик «Турон» биносида — юзинчи мартаба бўлса керак — «Халима» ўйналди.

«Халима»да ўзбек сахнаеида бирдан-бир ўзбек хаётининг энг каттиг фожиаси, энг кулги ўринлари, энг ахмоқларча тўй-томошаси кўрсатилгандир.

Шунинг учун бўлса керак, асарнинг алланечанчи мартаба кўюлушига карамасдан халк тўладур, жой тегишмайдир.

Узокдан-узок кутиш, пардага кўз тикиш натижасидан ниҳоят парда очилди.

Бузук, йиртик-йиртик, кўпол, ранги ўчган, туллаб-кетган декоратсия.

Ўюн ўшал ўзимиз кўрган ўюн, ўйнагучилар ҳам ўшал ўйнаб юрганлар... Факат, бошига «Гулёр» куйи билан бир хўр ортдирилгон ва бу мартабада ўюнга Эски шахар бола богчаларининг хамма мураббиялари дегундек аралашконлар. Хўр яхши хўрдур; локин кўшуги жуда узун, бунинг устига ёд олинмагонлигини ҳам кўшсак, бўш ва маъносиз. Мусика бу сафар жуда эзди, бир неча куйни сахна билан баробар олиб бора олмади. Гримлар ҳам жуда ортик даражада сунъий эди. Шу ёд олмагонликнинг натижаси бўлса керак, кизнинг онаси совчи хотунларга: «Келинлар, эсон-омон келдингларми?» деб 80 тош йўлдан келган мехмонга айтилтургон сўзни айтадир. Сўнгра, совчилар чикиб кетаётқанда, уй эгаси: «Яхши колинглар!» дейдир. Шундай бўлса ҳам она рўлида (1 ва 2 пардаларда) Р. Туташнинг жуда ботирлик билан дадил гапириши яхши. Бизнинг сахнамизда баъзи бир артисткаларимиз жуда сикилиб, тортиниб ўйнайдилар. Сахнада эркин бўлиш — бу энг керак нарсадир. Иккинчи пардада айтилган азон ўзи жуда жойсиз бўлиши билан баробар шу кадар тез айтилдиким, такбир ҳам бундан секинрок айтилгучи эди.

## Абдулхамид Чўлпон. Сахнамизда (1922)

Муаллиф:

13.03.2014 23:15 -

---

Иккинчи парда энг фожиалик бир пардадир. Унда шодлик билан кайгининг каршига-карши келиб колишлари жуда нозикдир. Бир тарафда ўлим, йиги; иккинчи томонда тўй-томоша. Бир томонда факирлик, йўқсуллик; иккинчи томонда бойлик, исроф... Мана бу парданинг таъсирини бузгон нарса: киз томонда гап бошлангонда, йигит томонда онанинг шовкун килиб, йиглаши бўлди. Одатда сахна иккига бўлинганди, бир тараф сўз бошлагонда иккинчи томон товуш чикармаслиги керак эди. Сўнгра бу парда ўзи хам эртарак тушди.

Охирги парда бутун мураббиялар аралашкони холда жуда совук чикди; жонлилик тўй ва келин тушурди вақтидаги гап, сўз, шовкун, тўпаланг, ўюн бўлмади. Бу парданинг энг кизик вақтида электрикнинг ўчуб колиши, орадан қарийб ярим соат ўткандан кейингина бир хира чирог ёндирилиши... бешинчи парданинг хақиқий фожиаси мана шулар бўлди.

Рўлларда: Маъсума хоним, Аброр, кизнинг отаси йигитнинг отаси яхши эдилар. Бошқалари хам текис ўйнадилар.

Ўюн чогида пиражектурнинг қилгон адабсизликларини айтайлик-да, «Халима» тўғрисида сўзни тўқтатайлик.

---

Сахнамизда — «Туркистон» газетасининг 1922 йил 16 декабрь сонидида «К» имзоси билан эълон қилинган.

«Халима» — драматург Гулом Зафарий (1889—1944) нинг шу номли драмаси. 1920 йилда сахналаштирилган «Халима» драмаси 20-йилларда бир неча ўн марталаб ўйналган.

«Гунохкорнинг оиласи» — итальян драматурги П. Джакометти каламига мансуб «Хоиннинг оиласи» номли асар 1921 йилда Давлат труппаси томонидан сахналаштирилгани маълум. Чамаси, бу ўринда шу асар хақида гап бормокда.